



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
 1 июлдан
 чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 157 (9.960)

2003 ЙИЛ 12 АВГУСТ

Пойтахтнинг
бир кунни
 Янгиликлар, воқеалар

ҚИСКА сатрларда

□ **ЎТГАН** кунни Ҳамза туманидаги қурилиш батальонидида Қурувчилар кунига бағишлаб «Ўзбекистон—Ватаним маним» мавзусида «Маънавият ва маърифат» маркази ҳамда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг туман бўлимлари ходимлари билан учрашув бўлиб ўтди.

□ **ЮНУСОБОД** туманидаги «Акбаробод» маҳалласида яшовчи кам таъминланган оилаларнинг 225 нафар фарзандлари «Ўзэкспомарказ» республика савдо-кўргазмалар маркази ҳамда маҳалла фуқаролар йиғини ташаббуси билан «Тошкентленд» истироҳат боғида дам олишди, аттракционлардан бепул фойдаланишди.

□ **«ЎЗБЕК»** лизинг интернейшнл» ҳалқаро лизинг компанияси ташаббуси билан шифохоналар, клиникаларда фаолият юритаётган тиббиёт ходимлари иштирокида уюштирилган анжуман «Лизингнинг соғлиқни сақлашдаги аҳамияти» деб номланди.

□ **АТРОФ**-муҳит мусаффолигини сақлаш, юқумли касалликлар тарқалишининг олдини олиш мақсадида Эски Жўва универсал бозорига дезинфекцияловчи воситалар келтирилди.

□ **ЯККАСАРОЙ** туманидаги Абдулла Қаҳҳор маҳалласида маҳалла фаоллари, хуқуқий муҳофаза қилувчи идоралар вакиллари иштирокида ўтказилган тадбир Обод маҳалла йўлига бағишланди.

□ **«БҮЮК** ипак йўли» метро бекати ёнида «Шайхонтоҳур текстил» Ўзбекистон-Туркия қўшма корхонасининг янги савдо шохбчаси ўз фаолиятини бошлади.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги
 Матбуот хизмати ва ўз
 мухбирларимиз хабарларидан.

Республика «Маҳалла» хайрия жағмармаси Адлия вазирлиги билан ҳамкорликда «Маҳалла: фуқаролар ўзини ўзи бошқаришининг хуқуқий асослари» китобини нашр этди.

МАҲАЛЛА ФАОЛИЯТИНИНГ ХУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Кўп нусхада чоп этилган бу нашрдан Президентимиз Ислам Каримовнинг маҳалла фаолиятини ташкил этиш ва тақомиллаштиришга доир фармонлари ва нутқлари, қонуналар, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва бошқа хуқуқий-меъёрий ҳужжатлар ўрин олган.

Тўпلامда мустақиллик йилларида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқаришининг миллий модели сифатида тикланган маҳалла тизими фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш борасида олиб борилаётган кенг қамровли ишлар батафсил ёритилган.

Китоб маҳалла оқсоқоллари ва фаоллари, жамоатчилик вакилларига жойларда ишни тўри ташкил этишда муҳим қўлланма бўлиб хизмат қилади.



Туркия билан ҳамкорликда ташкил этилган «Шайхонтоҳур-текстиль» қўшма корхонаси болалар, аёллар ва эркеклар трикотаж устки кийимларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган бўлиб, маҳсулотларининг асосий қисми экспорт қилинади. Бир йилдан кўпроқ вақт давомида фаолият юритаётган ушбу корхонада 500 нафар ёшлар иш билан таъминланган бўлса, яқин келажақда «Шайхонтоҳур-текстиль» таркибида иккита янги цех очилиши ҳисобига иш ўринларини икки минггага етказиш режалаштирилган.

СУРАТЛАРДА: Феруза Хошимованинг ишлаётганига унча кўп вақт ўтмаган бўлса ҳам, унинг бичувчилик маҳорати тўбора ўсиб бормоқда; қўшма корхонанинг тикув цеҳида.

Ҳақим Солиҳов олган суратлар.



ҚЎШИҚЛАР ТАНЛОВИ ДАВОМ ЭТМОҚДА

Тошкентда истиқлол шодиёнасига бағишланган эстрада қўшиқлари танловининг тўртинчи босқичи ўтказилди. Унда Тошкент шаҳри ва вилоятларда хизмат қилаётган етук санъаткорлар билан бир қаторда ёш ижрочиларнинг қўшиқлари ҳам тингланди.

Ватан ер юзининг қайси бир нуқтасида жойлашган бўлмасин, худудининг каттаоқиқчилигидан қатъий назар, ҳар бир инсон учун муқаддас гўшадир. Шунинг учун ҳамма вақт энг гўзал сатрлар ва қўшиқлар она юрт шаънига бағишланади. Байрам тантаналарида янграйдиган эстрада қўшиқлари танловида ҳам санъаткорларнинг саховатли заминимиз, унинг мард фарзандлари, истиқлол йилларида эришган ютуқларни ўз қўшиқларида қанчалик ифода этаётганликларига эътибор қаратилди.

— Бугун эстрада жанрида яратилаётган

қўшиқлар ва ижрочилар олдига қўйилаётган талаблар бошқача, — деди «Шаҳзод» гуруҳи раҳбари Рашид Холиқов. — Ҳуқуқматли томонидан бу оммабоп жанрни ривожлантириш борасида қатор қарорларнинг қабул қилиниши унинг тараққиётига замин яратди. Эстрада жанри ёшларга ёқилиши инобатга оلسак, мазкур жанрда яратилаётган қўшиқлар уларнинг маънавиятини ўстиришга хизмат қилиши керак.

Кўрик давомида масъулиятни ҳис қилган ҳолда қўшиқ яратиши, унинг доимо одобр-ахлоқ тамойилларига жавоб беришини таъминлаш ҳақида гапирилди.

Истиқлол шодиёналарига бағишланган мазкур танловнинг тўртинчи босқичида етмишдан зиёд хонандаларнинг қўшиқлари ҳайъат аъзолари томонидан тингланиб, таҳлил қилинди.

«Туркистон-пресс»

Онкологлар семинари

Республика онкология илмий марказида Атом энергияси бўйича халқаро агентлик / МАГАТЭ/нинг Эрон, Иордания, Сурия, Қозғистон ва Ўзбекистон онколог-маммологлари учун ўқув курслари бошланди. Бу курсларда Нидерландия, Словения, Англия, Австриянинг радиоиотоп ташхис бўйича етакчи мутахассислари тингловчиларнинг сўт беши саратони ҳақидаги билимларини бойитишга ёрдам беради.

Таъкидлаш жоизки, сўт беши саратони аёлларда кўп учрайдиган касаллик бўлиб, у билан касалланганлар сони йилдан йилга ортиб бормоқда. Мамлакатимиздаги барча саратон билан касалланганлар орасида сўт беши саратонининг улуши 9,5 фоизини ташкил этади.

— Сўт беши саратонининг эрта ташхиси жуда муҳим аҳамиятга эга, — дейди Республика онкология илмий маркази профессори А.Ҳўжаев. — Онкология тараққиётининг ҳозирги босқичида бу касалликка эрта ташхис қўйиш - кўздан кегириш, пальпация, маммография, ультратовуш билан ўрганиш, пункцион биопсиядан иборат бўлади. Ташхиснинг истиқболли

йўналишларидан бири компьютер томографияси ёрдамида шеш маркерларини аниқлашдир.

Сўт беши саратонини даволаш онкологияда мураккаб масала саналади. Даволаш мажмувий бўлиб, жарроҳлик аралашуви, нур ва кимё терапиясини, гормонотерапияни ўз ичига олиши керак. Сўт беши саратони жарроҳлигида сўт беши олиб ташлангандан кейин унинг шакли ва ҳажмини тиклаш учун аъзоларни сўт беши операциаларини амалга ошириш замонавий йўналиш ҳисобланади.

Республика онкология илмий марказида бу йўналишда мажмувий даволаш услуби қўлланмоқда. Сўнгги йилларда сўт беши олиб ташлангандан кейин маммопластика услубияти ишлаб чиқилмоқда.

Биринчи бор бу касалликни мажмувий даволашда эндожарроҳлик операциалари қўлланмоқда.

15 августга давом этадиган ўқув машғулотларида сўт беши саратонини даволаш йўллари белгилаб олинади.

(ЎЗА)

XXI сағоси

Барча маъбалардан
 олинган сўнгги хабарлар

- Мамлакатимизда**
- Мамлакатимизга ташриф буюрган Германия Федератив Республикаси Мудофаа вазири Петер Штрук Ўзбекистон Мудофаа вазири Қодир Фуломов билан учрашди. Сўхбат чоғида икки мамлакат ўртасида ҳарбий ҳамкорлик, минтақавий хавфсизлиқни таъминлаш, терроризм ва гиванд моддаларнинг ноқонуний савдосига қарши курашни кучайтириш ҳамда Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштиришга оид масалалар муҳокама этилди.
 - Компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш бўйича мувофиқлаштирувчи кенгашининг навбатдаги мажлиси ўтказилди.
 - Қашқадарё вилоят ҳокимлигида қурилиш корхоналари ҳамда қурилишга алоқадор ташкилотлар раҳбарларининг минтақавий семинар-кенгаши бўлиб ўтди.
 - «Кўнгиротқурилиш» акционерлик жамияти бунёдкорлари Кўнгирот туманидаги «Олтинкўл» овулида 300 ўринли мактаб биносини қуриб битказди. Ушбу янги ўқув даргоҳида иқтидорли ўқувчилар таълим олади.
 - Нукус шаҳрининг Бўзатов туманидаги «Еркиндарё» деҳқон-фермер уюшмасида Жанубий Корея билан ҳамкорликдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ва ёғочни қайта ишлашга, дистрибуторларни тайёрлашга ихтисослашган «Чэсон» қўшма корхонаси фаолият бошлади.
 - Самарқандда бир hafta давом этган халқаро «Челленджер» теннис турнирида АҚШ, Аргентина, Австралия, Италия каби йигирмадан зиёд мамлакатдан келган етакчи спортчилар кортга тушди

Жапонда

- Халқаро космик станцияда илк бор никоҳ тўйи тантаналари ўтказилганди бўлди. АҚШлик Катерина Дмитриева курама заминдан, украинлик фазогир Юрий Маленченко эса космосдан туриб бир-бирларига никоҳ узукларини юборишди. Ҳозир ХКСда тўйга тайёргарлик қизгин.
- Португалияда бир неча кундан бери кучли ўрмон ёнғинлари давом этмоқда. Натижада мамлакат хазинаси 900 миллион евролик зарар кўрди, ёнғин 15 кишининг ҳаётига зомин бўлди.
- Бағдодда Ироқнинг собиқ Президенти Саддам Хусайнга энг яқин 50 киши рўйхатида 29-ўринни эгаллаб турган мамлакатнинг собиқ мудофаа вазири Махмуд Дияб Ал Аҳмад АҚШ ҳарбийлари томонидан қўлга олинди.
- Япониянинг турли худудларида уч кун давомида авж олган кучли довул натижасида 5 киши ҳалок бўлди, 15 киши бедарак йўқолди, ҳаво кемаларининг юзлаб рейслари бекор қилинди.
- Бразилиядаги энг каттик қўриқладиган қамқононарларнинг биридан 84 нафар маҳбус ер остидан лаҳм қазини йўли орқали қочишга муваффақ бўлди. Ҳозирча қочқоларнинг фақат учтасигина қўлга олинди.

Иқтисодий

ЭЛЕКТР САНДАЛ
ТАЙЁРЛАНДИ

Президентимиз соврини учун аънавий «Ташаббус-2003» кўрик-танловининг республика босқичида «Энг яхши тадбиркор» йўналиши бўйича пойтахтдаги «PGS» хусусий ишлаб чиқариш корхонаси раҳбари Полянте Свешников голиб бўлган. Бугунги кунда ҳам корхона тадбиркорлари изланишларини қизгин давом эттиришмоқда.

Мазкур корхонанинг сифатли, ишлатишда оддий ва қулай, чиройли кўринишга эга, асосийси экологик тоза маҳсулотлари яна иккитага кўлайди. Улардан бири — аънавий шарқ қозонининг янги хили — электр ўчоқда олов ўрнида қиздириб иситувчи сопол элементлардан фойдаланилган. Бу ўчоққа 8 литр сизимли қозон ўрнатиб, суюқ овқат ёки 15 кишилик ҳажмда қуюқ овқат тайёрлаш мумкин. Яна бир янги маҳсулот — электр сандал кўплаб мижозлар учун ёқимли совға сифатида ақингинада савдога чиқарилади.

Янги ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳам электр қувватини тежамкорлик билан ишлатишга имкон беради. Электр сандал сополдан тайёрланганилиги, сопол эса неча асрлардан бундан ажодларимиз томонидан уй-рўзгорда қўлланиб келинаётгани билан ҳам эътиборлидир.

ҚАТОР
АФЗАЛЛИКЛАРГА
ЭГА

Мирзо Улугбек туманида фаолият юритаётган «Аҳмедов» хусусий корхонаси тадбиркорлари ҳам ички бозоримизни ўзларининг сифатли, чидамли ҳамда рақобатбардош қилиш ашёлари билан тўлдиршига бел боғлаганлар.

Улар буюртма асосида пластик ойна, эшик ва витражлар тайёрлайдилар. Хом ашёнинг маълум бир қисми Хитой давлатидан келтирилади. Малакали мутахассислар эса жойларга бориб ўз хизматларини — ўлчамларни олиш, тайёр маҳсулотларини мижозларига етказиш, ўрнатиш ҳамда бепул маслаҳатлар беришни амалга оширадилар.

Барча маҳсулотлар мижозлар талаб, хоҳишига кўра ҳар хил ўлчам, сизимли ва ўзига хос тарзда тайёрланади, асосийси бир қатор афзалликларга эга. Масалан, шовкин ўткамайд, бинодаги иссиқликни яхши сақлайди ҳамда чанг қирмайд. Эътиборли томони, қурилиш ташкилотлари ҳамда фирмаларга маҳсулотлар имтиёзли нархларда сотилади.

Ўртимизда тадбиркорларга яратилган «Энг имконият ва қулай шарт-шароитлардан унумли фойдаланаётган хусусий тадбиркор Тохир Аҳмедов ўз фаолиятини кенгайтириш, янги маҳсулотлар яратиш ҳамда уларнинг нархларини нисбатан арзонлаштириш каби кўплаб эзгу мақсадларни ўз олдига қўйган.

Муқаддас УМАРБЕКОВА

Маълумки, май ойда Тошкентда Европа тиклашиш ва тараққиёт банки Бошқарувчилар кенгашининг йиллик мажлиси бўлиб ўтди. Халқаро иқтисодий анжуман катнашчиларини муносиб кутиб олиш, уни уюшқоқлик билан ўтказиш мақсадларида қизгин тайёргарлик кўрилди. Жумладан, пойтахтимиздаги меҳмонхоналар замонавий асосда қайта қурилиб, аксарияти тўрт юлдузли отелъ мақомини олганлиги қувонарли ҳол, албатта. Улардан «Россия», «Тошкент», «Дўстлик» меҳмонхоналарида қайта таъмирлаш ишлари давом эттирилди ҳамда Амир Темур кўчасида янги «Радиссон САС отелъ Тошкент» меҳмонхонаси қуриб битказилди. Мазкур қошоналарда олий тоифали меҳмонларга жаҳон андозалари даражасида хизмат кўрсатилади.

Шаҳримиздаги энг «кекса» меҳмонхоналардан бири, аввалги «Россия» меҳмонхонаси бугунги кунда қайта қурилиб, таъмирланиб, гўзал кўриниш касб этган «Grand Mir» тўрт юлдузли отелъ мақомини олди. Меҳмонхонадаги кенг кўламдаги таъмирлаш ишларини амалга оширган Туркиянинг «Demir Group» қурилиш компаниясининг ғайрат-шижоатли ишчиларининг бажарган юмушларига тасанно дейсиз. Бир вақтнинг ўзиде меҳмонхона ҳам ташқи, ҳам ички томондан пардозланиб, безакланди. Иш икки сменада ташкил этилиб, барча керакли қурилиш материалларидан ўз ўрнида самарали фойдаланилганлиги ҳам таҳсинга лойиқ.

Янги отелънинг хоналарига энг замонавий мебель ва жиҳозлар қўйилган, у ерда яшовчилар учун юксак даражадаги қулайликлар яратилган. Люкс хоналар бир ёки икки кишига мўлжалланган бўлиб, ҳамма шарт-шароитлар тўлалигича муҳайё қилинган. Эътиборли томони, отелъда айрим хоналар Соҳибқирон Амир Темур, аллома Ибн Сино, султон Мирзо Улугбек каби ноилар билан аталади ҳамда қадимги буюк ажодларимизнинг ибратли ҳаёти ва фаолиятларидан на-

• ЯНГИ МЕҲМОНХОНАЛАР — ШАҲРИМИЗ КЎРКИ

ЖАҲОН АНДОЗАЛАРИГА МОС



муна сифатида намоён бўлади.

— Хорижлик меҳмонларни бой тарихимиз, юксак маданиятимиз дурдоналари билан таништирувчи махсус салонлар хизмат қилиши кўзда тутилди, — дейди «Demir Group» компаниясининг инвестициялар бўйича бош мудири Бахтиёр Тўхтабоев. — Отелъда юқори даражада хизмат кўрсатувчи ресторандар иш бошлади. Жумладан, валюта айирбошлаш шохбачалари, маълумотлар бюроси, бизнес-марказ, «Fast-food», «Business-Room» умумий овқатланиш тармоқлари ўз фаолиятларини юритмоқда. Меҳмонхона ўз мавқеига мос равишда хизмат кўрсатувчи ходимларини ҳам маълум тайёргарликдан ўтказишни талаб қиларди. Бу борада шахар ҳокимлиги томонидан (қурилиш лойиҳасининг 35 фоизли улушига эга бўлган) алоҳида меҳмонхона хўжалиги ишларини назорат қилувчи бошқарма тузилиб, фаолият юритди.

Хуллас, 1966 йилда барпо этилган «Россия» меҳмонхонаси янги қиёфада «тўрт юлдузли»га тенг бўлиб, 128 та хонадан ташкил топди. Бу борада Туркиянинг «Demir Group» ком-

паанияси иштирокида тузилган кўшма корхонанинг низоом жамғармаси 3946000 АҚШ долларига тенг бўлди.

1958 йилда ташкил топган «Тошкент» меҳмонхонаси эндиликда, янги лойиҳа бўйича, «тўрт юлдузли» даражада қайта таъмирланиб, «люкс», «Супер-люкс» ечимидеги 268 та номердан иборат. Ушбу иншоотнинг хорижий тарафдан пудратчиси ва таъсисчиси «Айсел» компанияси ҳисобланади. Унинг қиймати 8250000 АҚШ долларига тенг кўшма корхона низоом жамғармасидаги улуши 21,2 фоизни ташкил этди.

Ушбу компания шунингдек, Амир Темур кўчасида қурилган 125 хонали «тўрт юлдузли» янги меҳмонхона мажмуласининг пудратчиси ва таъсисчиси ҳамдир.

1970 йилда қурилган «Дўстлик» меҳмонхонаси эса қайта таъмирдан сўнг «уч юлдузли» даражада ўз қиёфасини ўзгартирди. 206 та юқори тоифада жиҳозланган хоналардан иборат бўлган бу меҳмонхона бўйича таъмирлаш, қурилиш, фойдаланиш ҳисобиде тузилган кўшма корхонанинг хорижий ҳамкори сифа-

тида «АРЕАС» компанияси тайинланган бўлиб, унинг қиймати 4 миллион АҚШ долларига тенг низоом жамғармасидаги улуши 51 фоизни ташкил қилди.

Жорий йилнинг баҳорида Англиянинг «Le Meridian» компанияси билан «Тошкент» меҳмонхонаси бўйича 10 йилга мўлжалланган тегишли шартноменинг хорижий тарафдан пудратчиси ва таъсисчиси «Айсел» компанияси ҳисобланади. Унинг қиймати 8250000 АҚШ долларига тенг кўшма корхона низоом жамғармасидаги улуши 21,2 фоизни ташкил этди.

Айтиб ўтиш керакки, истиқлол йилларида қурилиш, қайта таъмирлаш ва албатта, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари белгиланган режа асосида, замон талабларига мос тарзда олиб боришмоқда. Шу аснода пойтахтимиз йилдан йилга гўзаллашиб янада чирой очмоқда.

Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА
СУРАТЛАРДА: шаҳримиз кўрки бўлган қайта таъмирлаш ва қуриш асосида бунёд бўлган меҳмонхоналар.

Янги линия фойдаланишга
топширилди

Истиклолимизнинг 12 йиллик тўйи арафасида «Асташ» Ўзбекистон — Туркия кўшма корхонасида ўзига хос технология линия ишга туширилди. Ушбу линиянинг ўзига хос томони шундаки, унда замонавий технологиялар асосида юққа, бироқ пишиқ картон ғалтаклар, турли диаметр ва ҳажмдаги цилиндрлар тайёрлаш мумкин. Буюртмачининг истаги тез ва ўз вақтида бажарилади.

«Асташ» кўшма корхонаси аслида тўқимачилик корхоналари учун махсус картон конусларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Ушбу конусларга кейинчалик тўқимачилик саноатида фойдаланиладиган ип ўралади. Кўшма корхона ўз маҳсулотини фақат маҳаллий хом ашёдан тайёрлайди. Германиядан келтирилган бешта узлусиз ишлайдиган линия бир ойда икки миллионга яқин ана шундай конусларни ишлаб чиқариш имконини беради. Ҳаммаси эҳтиёжга боғлиқ. Агарда ушбу маҳсулотга талаб ошса, ишни икки, уч сменада ташкил қилиб, кўп микдорда маҳсулот тайёрлаш мумкин.

Янги ускуна янгича ёндашуви талаб қилади. «Асташ»да ёшларни ишлаб чиқаришдан ажратмаган ҳолда ўқитиш ташкил этилган. Улар янги ускунани батафсил ўрганади, машғулотларда техника ҳавфсизлиги, меҳнатни муҳофаза қилишга алоҳида эътибор қаратилади. Корхонада бошқа тадбиркорлар ўрганса арзиғулик нарсалар кўп.

— Мақсадимиз фақат олдинги интилиш, — дейди кўшма корхона бош директори Ж.Содиқов. — Ватанимиз мустақиллиги байрами арафасида Ўзбекистон равнақиға ўз ҳиссамизни қўшаётганимиздан хурсандимиз.

(ЎЗА).



Яккасарой туманидаги «OLIANA RUM» масъулияти чекланган жамияти ишчи-хизматчилари ички бозорни сифатли лак ва бўёқ маҳсулотлари, тушь, сиёҳ, гуаш билан тўлдиршига ўз муносиб ҳиссаларини қўшишмоқда.

Корхона яқин кунларда Қозғоғистонда ўз филиалларини очини режалаштирмоқда.

СУРАТДА: жамият ишчи-хизматчилари Владимир Череватенко ва Андрей Булатовлар иш устида.

Қозим Ўлмасов олган сурат.

**Маълим
ТАСВИРИЙ
САНЪАТГА МЕХР**

Умумтаълим мактабларида тасвирий санъатдан уюштирилган дарсларнинг амалий томонларига ҳам катта аҳамият берилмоқда. Янги ўқув йилида бундай таълимий жараён янада кенгайди.

Миниатюра санъати асарларини ўрганишда самарадорликка эришилади. Ўқувчилар тасвирий санъат асарлари жанрлари тўғрисида тўлиқ маълумотга эга бўладилар.

Ўзбекистон рассомлари асарларининг энг яхши намуналари кўрсатмалли материаллар бўлиб хизмат қилади. Шу мақсадда таълимий мўйқалам усталаридан Жавлон Умарбеков, Баходир Жалолов каби рассомлар асарлари тўғрисида тушунчалар бериш режалаштирилди.

Ўзбекистонда яшаб ижод қилган машҳур рассомлардан П. Беньков, А. Волковлар фаолияти тўғрисида ҳам суҳбатлар уюштирилади. Уларнинг асарларидан тайёрланган репродукциялар кўргазмаларига саёхатлар уюштирилади.

**«ПЕДАГОГИКА
ТАРИХИ» ДАН
ДАРСЛИК**

Академик лицей ва касб-хунар коллежлари учун янги ўқув йили олтидан бир нечта дарслик ва қўлланмалар нашрдан чиқарилди. «Педагогика тарихи» деб номланган дарслик ҳам биринчи сентябрга муносиб совға бўлди.

Педагогика фанлари доктори, профессор Асқар Зуннунов бошчилигидаги муаллифлар гуруҳи томонидан босмага тайёрланган мазкур ўқув адабиёти мамлакатимизда биринчи марта баъд чоп этилиши билан ҳам қимматлидир.

Марказий Осиёдаги педагогик фикр тарихига доир маълумотлар ўз илмий-педагогик таҳлили билан ҳам ажралиб туради. Хорижий мамлакатлар педагогика тарихига доир материаллар ҳам пухта ишланган. Ўрта махсус ўқув юртлиари ўқувчилари учун яратилган ушбу дарслик янги ўқув дастури бўйича таълим жараёнига тақдим этилди.

**МАГИСТРАНТЛАР
ТАЙЁРЛАШ УЧУН
ЗАМИН**

Республикамиз олий ўқув юртлиарида янги ўқув йилига катта тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда. Тошкент Давлат ислом университетиде ҳам қатор янгиликлар амалга оширилмоқда.

Бакалаврият таълими босқичи янада ривожлантирилди. Бу эса олий ўқув юртида магистратура таълимини йўлга қўйиш имконини беради. Янгидан ташкил этилаётган бу йўналиш диншунослик, исломшунослик, ислом ҳуқуқи, мусулмон мамлакатлари ҳуқуқий тизими каби олти мутахассислик бўйича магистрантлар тайёрлаш учун замин яратяди.

Бу янги мутахассисликлар бўйича ўқув машғулотлари дастури яратилмоқда. Замонавий технологияларга асосланган ўқув адабиётлари ҳам магистрантларга тақдим этилади.

Анвар ЙЎЛЧИЕВ

• МАЪНАВИЯТ

**ГЎЗАЛЛИК
МАСКАНИ**

«Ота-боболаримиз Тошкентда яшаб ўтишгани учунми ёки бунди алоҳида ватанпарварлик руҳи деб аташ мумкинлигиданми, жонанжон шахримизга нисбатан алоҳида туйғулар мавжуд, — дейди Халқаро «Олтин мерос» хайрия жамғармаси Тошкент шаҳар бўлимининг раиси Абдулазиз ака Мухаммадқаримов. — 4-5 ёшимдан то ҳозиргача шаҳарнинг ривожланиш тарихи, худди бир тарихий ҳужжатли фильм сингари хали ҳам кўз ўнгимда. Бир сўз билан айтганда, қадимий Тошкент менинг кўз ўнгимда азим шаҳар, улкан пойтахтга айланди. Уруш арафасидаги оғир пайтлар, нонга навбат қутишлар, бир жуфт қалишни мактабга бора туриб галма-гал кийишлар ва ҳозирги пайтга келиб нима учундир тансиқ бўлиб қолган ўша пайтлардаги меҳр-оқибатлар хали ҳам менинг хотирамда яхши сақланиб турибди. Ўзимдаги ҳаётга ташналик, ўзгариш, янгиликларга ўчлик каби алоҳида бир хислатлар туфайли шахримиздаги, мамлакатимиздаги урушдан кейинги ободончиликларни, ривожланишларни ўзгача бир хурсандлик, шодлик билан қарши олардим, улар менда катта таассурот қолдирди, қисқаса шахримиз билан фахрланардим. Айниқса, менга шаҳар тарихи билан боғлиқ воқеалар, маҳалла ва мавзе номларининг келиб чиқиш сабаблари кизиқарли туюлар, атамалар эса менинг жону дилим эди».

Дарҳақиқат, мустақиллик шарофати билан илгари бизга унчалик ҳам билишимиз шарт бўлмаган, ўрнига шўролар давлати асосчилари номлари тикчилик кетган жой номларининг келиб чиқиш тарихини билиш, англаш имконияти туғилди. Шу борада мутахассислар томонидан керакли адабиётлар, рисоалар ва мақолалар кўплаб босилмоқда, илмий изланишлар олиб борилмоқда. Олиб борилаётган ишлар сирасида Халқаро

«Олтин мерос» хайрия жамғармаси Тошкент шаҳар бўлимининг (собиқ тарихий ва маданий ёдгорликларни сақлаш жамияти) раиси, 1966-1984 йилларда шаҳар топонимик комиссияси масъул тотиби бўлиб иш олиб бorgan Абдулазиз Мухаммадқаримовнинг шахримиз тарихи, ёдгорликларининг келиб чиқиши тўғрисидаги ёзган ишлари алоҳида диққатга сазовордир. Кўплаб мақола ва рисоалар қаторида, «Абулқосим мадрасаси», «Юнусобод даҳаси тарихи», «Тошкент бўйлаб топонимик саёхат», «Бебаҳо маданий мерос» каби у раҳбарлик қилаётган жамғарма хомийлигида чиқарилган китоблари кизиқарли маълумотлар берибгина қолмасдан, ўтмишдаги баъзи бир мўстабар шахсларга қўйилган кўплаб тамгаларни олиб ташлайди. Юқоридаги китобларда тасвирланган Абулқосим эшон, Юнусхожи каби инсонларга «бойлар, эшонлар» эмас, балки ўз миллатининг жонқуярлари, маърифатарварлари ва ватанпарварлари бўлишган. Керак бўлса юқоридаги шахсларга ўхшаган қишлоқ халок меҳнат билан бойлик, обрў ортиришган. Туркистон ўлкасининг ободончилиги, равнаки йўлида жон қуйдиришган, камбағал инсонларга ёрдам билан биргаликда, ўзлари яшаётган маҳалла, мавзеларда масжид, мадраса, мактабхона, чойхона, ҳаммом, кўприклар қуришган. Ўтмишда ҳам сўлим ва гўзал дунёимизнинг ям-яшиллиги учун ариқлар ва турли хил сув тармоқлари қаздиришган. Кўпчиликнинг фикр юртишларига қарама-қарши ўлароқ, улар қурган мадраса ва мактабхоналарда нафақат диний сабоқлар, балки дунёвий билимлар ва ҳатто халқ амалий санъати хунармандчилиги ҳам ўргатилган.

Яқинда яна бир хайри ишга қўл урилиб, жамғарма томонидан Абдулазиз Мухаммадқаримов му-

аллифлигида «Гўзаллик маскани» номли ўзбек, рус ва инглиз тилларида Абулқосим мадрасасининг кенгайтирилган тарихи ва ундаги амалий санъат хунармандлари, миниаторчалар, ёғоч уймакорлари, сандиқсоз, рангтасвир усталари ва ҳуллас 50 га яқин гўзаллик яратувчилар ҳақидаги китоб-альманах босмадан чиқарилди.

Бу китоб ҳақли равишда бой безатилган бўлиб, шахримизнинг Бешёғоч маҳалласидаги XIX аср тарихий ёдгорлиги бўлиши Абулқосим мадрасаси қурилиши ҳақида муфассал хикоя қилинган. Унда илгариги шўролар даврида бузилишдан олиб қолingan мадрасанинг буғунги ҳолати ва унда олиб борилаётган савобли ишлар ҳақида сўз юритилади. Хозири пайтда қайтадан шахримизнинг кўркига айланган мадраса 50 га яқин хунармандлар ўзларининг 200 дан зиёд шогирдларига ўз маҳоратларини ўргатмоқдалар. Республика ва шаҳар кўрик-танловларида фахрий ўринлар ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланганлар. Шунингдек, рангли, юқори профессионал маҳорат билан чоп этилган китоб саҳифаларидан рассомларнинг ижодий намуналари ҳақида тўлиқ маълумотлар олиш мумкин. Китоб тарихий мавзулар, тасвирий санъат, умуман гўзаллик олами билан кизиқувчиларга бирдек кизиқарлидир. Жамғарманинг шаҳар бўлими келгусида «Тошкентнома, ёки Шош қарғига топонимик саёхат», «Шош қарғида сўнмас сиймолар» каби тарихий-бадий мавзудаги яна ҳам мазмунли китоблар чиқариш ҳаракатида.

Муқаддас ДЎСТМАТОВ

• САНЪАТ

**ҒОЛИБЛАР
УКРАИНАГА
БОРИШДИ**

Яқинда «Соғлом авлод учун» жамғармасининг 10 йиллигига бағишланиб, Ўзбекистон Бадиий академиясида «Ер кўррасига тинчлик» танлови ўтказилди.

Танловни «Соғлом авлод учун» жамғармаси ва Ўзбекистон Бадиий академияси ўзаро ҳамкорликда ўтказиши ва унда Республикада ижод этаётган ёш рассомлар иштирок этидилар.

Мазкур танловда «Камалак» рангтасвир студиясининг ёш мўйқалам усталари Ғолиб Чқишди. Студиянинг АҚШ, Япония, Туркия, Голландия, Ҳиндистондаги танловларда қатнашган иқтидорли рассом болалардан беш нафари, Харьков шаҳрида бўладиган «Қора рангларсиз дунё» халқаро болалар ижодий байрамида иштирок этидилар.

Ёш рассомларга «Батькавшина» Украина миллий маданият маркази ва «Ўзбекистон савдо уйи» ёпиқ турлиги акциядорлик жамияти ҳомийлик қилишди.

Гулҳади ДУРДИЕВА

Болалар адабиёти бурғачи

Миразиз Аъзам 1936 йилда Тошкентда туғилган. 1953 йилда Ўзбекистон Миллий университетининг (собиқ Тошкент Давлат университети) филология факультети журналистика бўлимини тамомлаган.

60-йилдан бери то ҳозиргача болалар учун (айни чоғда катталар учун ҳам) ижод қилиб келади. «Металлург», «Ақлли болалар», «Сенга нима бўлди?», «Ғалати туш», «Ер ялланади», «Ерга доврўқ соламин», «Бир чўнтак ёнғоқ», «Ёнғоқ уриштирувчи», «Қирк болага қирқ савол», «Энг ёруғ юлдузлар» тўпламларининг муаллифидир. Унинг алоҳида китоблари рус тилида уч марта, украин, туркман тилларида босилиб чиққан. Шунингдек бир қатор шеърли туркумлари йўғул, турк, озарбайжон, молдован, берурис, латин тилларида ҳам нашр этилган. Айни чоғда Миразиз Аъзам эллиқдан ортиқ ҳаёон болалар шоирлари ва адабларининг шеър, хикоя, роман ва эртақларини ўзбекчага таржима қилган. Куйида ижодкорнинг туркум шеърларидан намуналарни эътиборингизга ҳавола этамин.

ЁНҒОҚ УЛАШАМАН

Бир чўнтак ёнғоғим бор,
Улашаман бир қатор,
Оласизми-олмайсиз,
Ўзингизда ихтиёр.

Сергапларни одамлар
«бир қоп ёнғоқ» дейдилар,
Чунки улар шалдираб
Кўпинча панд ейдилар.

Мен кўп гапни демасман,
Бир қоп ёнғоқ эмасман,
Ёнғоғим бор бир чўнтак,
Улашсам панд емасман.

Бири ҳазил, бири чин.
Бири қувонч, бири кин.
Қани кимга салом-у,
Сабоқ олар қани ким?

Бир чўнтак ёнғоғим бор.
Улашаман бир қатор,
Олмасангиз олмайсиз,
Сизда қолар ихтиёр.

ПУЧ ЁНҒОҚ

Пуч ёнғоқ, пуч ёнғоқ,
Эпломмадик ҳеч, ёнғоқ,
Шалдир-шулдур қиласан,
Кўп ноўрин қуласан.

Қанча шалдирамагин,
Қанча валдирамагин,
Бизни алдай олмайсан,
Тўқ ёнғоқ бўлолмайсан.

ЛАЙЛАК

Лайлак деган бир қуш бор
Тонг сахарлаб туради.
Илонларнинг бошига
Мих қоққандек уради.

Ўзи турна зотидан,
Лекин ундан каттароқ,
Ранги ҳар хил: гоқ кўнғир,
Гоҳи қора, гоҳи ок.

Гоҳ чинорга қуради,
Гоҳ минорга инини.
Ўзга қушни таламай,
Ўзи кўрар қунини.

Тангри унга қанча вақт
Берганин ҳис этади:
Баҳорда учиб келиб,
Қузда учиб кетади.

Олис-олис йўлларда
Сокин кўноқ излашар,
Озода, эркин, дахлсиз
Манзилларни кўзлашар.

Йўлда қари лайлақлар
Тўхтаб қолса кўлираб,
Учиб келар ёнига
Ёш лайлақлар ҳол сўраб.

Кифтларида уларни
Бирга олиб кетарлар,
Лайлақлар одатини
Қалбдан адо этарлар.

ОНА ТИЛИМ

Она тилим, туркий тилим,
Ардоқлагим ўзбек тилим.
Авайлайман сени доим
Қобоқ ила кўздек тилим.

Она тилим, ўзбек тилим,
Қадим-қадим туркий тилим,
Менга бердинг санъат, билим,
Ватанимдай кўркли тилим.

Эй, севикли ўзбек тилим,
Туркий тилим, она тилим,
Ўзга тилга алишмайман,
Ўз онасин алашар ким?

Туркий тилим, кўркли тилим,
Ўзбек тилим, кўздек тилим,
Она тилим, доно тилим,
Дунёда бир дона тилим.

**ЎТКИР ДЕГАН
БОЛАНИНГ ҚЎШИҒИ**

Яхшилик оламда жавҳар дейдилар,
Баъзилар яхшилик гавҳар дейдилар.
Яхшилик қиламан, фақат яхшилик,
Ичимда чиройли жавҳару гавҳар.

Олмосни қиличдан ўткир дейдилар,
Баъзилар ҳаммадан ўткир дейдилар.
Менинг билимим бор олмосдан ўткир,
Шу сабаб отимни ўткир дейдилар.

Менинг куёш каби иссиқ, билимим,
Билимим улашсам ортар илимим.
Ичимда абадий қайнар яхшилик,
Дунё қаторида ўткирдир элим.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «2002-2004 йилларда уй-жой фондини газни ҳисобга олиш анжомлари билан жиҳозлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш бора-сида пойтахтимизнинг «Сергели тумангазтаъминот» бошқармаси ходимлари ҳам хонадонларга газ ҳисоблагич ускуналарини ўрнатиш ишларини режа асосида ташкил этишган.



• ҚАРОР ВА ИЖРО

ГАЗ ҲИСОБЛАГИЧ — ИСРОФГАРЧИЛИКДАН САҚЛАЙДИ

Шуниси эътиборлики, туманда хусусий хонадонларга газ ҳисоблагичлар ўрнатиш юз фоиз амалга оширилган бўлиб, айни кунларда кўп қаватли турар жой биноларидаги хонадонларга ана шундай анжомлар ўрнатиш жадвал суратларида олиб борилмоқда.



Хисоблагичларнинг тежамкорлигида нафи юқори эканлигини бугун тажриба исботламоқда. Газ ҳисоблагичлар ўрнатиш хонадонлар мониторингини шуни кўрсатмоқдаки, айни пайтда ана шу истеъмолчилар илгаригига караганда бирмунча кам ҳақ тўлашмоқда. Шу билан биргаликда бехуда газни ёқиб қўйишларга, ўзбошимчилик билан исроф қилишга барҳам берилмоқда. Сергелидаги «Кўшқўрган» маҳалласида бўлганимизда ана шунинг яққол гувоҳи бўлдик.

— Маҳалла мажлизида 795 та уй мавжуд бўлиб, уларда 1721 та оила аъзолари яшайди, — дейди маҳалла оқсоқоли Баҳром Исоқжонов. — Яшовчиларга қулайлик яратиш маҳалламизнинг тўлиқ газлаштирилганлиги билан сув қувурлари ўрнатишнинг алоҳида таъкидланган ҳолда ана шу қимматли, турмушимизда ниҳоят зарур бойликларимизни авайлаб-асрашда асқотаётган газ ва сув ҳисоблагичлар ўрнатиш ишлари сифатли адо этилганини айтиб ўтиш лозим.

Маҳалладаги барча хонадонларга ўтган йилда 1328 та газ ҳисоблаш анжомлари ўрнатилибди. Албатта, бу борада тумангазтаъминот ходимлари билан бир қаторда маҳалла фаолларининг ҳам аҳолига тушунтириш ишларини тўғри ташкил этганлиги яхши самара берди. Шу боис ҳам бу ерда газ ҳисоблагичлар ўрнатиш билан шуғулланган «Нур» фирмаси бригадалари тез ва сифатли ишлади. Шу-

нингдек, кам таъминланган оилаларга маҳалла томонидан моддий ёрдам кўрсатилди. — Энг қулай ва қувонарлиси, — дейди маҳалладаги «Учкўрган» кўчаси 5-уйда яшовчи Абдулла Абдурахмонов, — ҳисоблагичлар ҳақининг ҳар бири оила имкониятига қараб бир йил мобайнида тўлаб боришидир. Мана бизнинг хонадонда 3 та оила яшаймиз. Газ ҳисоблагич ўрнатишга қадар 14 та яшовчининг ҳар бири учун ҳақ тўланган бўлса, эндиликда ҳисоблагичнинг кўрсатганини тўлаб, анчагина иқтисод қилаемиз. Шунинг унутмаслигимиз керакки, тежалгани ўзимизга, эртага камолга етаётган фарзандларимизга фойда. Ахир қанча-қанча машаққатли меҳнат ва катта маблағ эвазига яратилаётган бундай қулайлик — табиий газни асрашимиз керак. Газ ҳисоблагич ўрнатишдан сўнг буни оила аъзоларимиз яхши тушуниб олишди.

«Қўйтолариқ» кўчаси 59-уйда истиқомат қилувчи Суннат Мўминов, Ойбек кўчаси 3-уйда яшовчи Муродилла Маҳмудов ҳамда «Толариқ» кўчаси 1-уйда турувчи Улмас Одилхоновлар оилалари ҳам газ ҳисоблагичларнинг нафи ҳақида илқ гапларни айтишди.

Энди кўп қаватли уйлар ҳақида тўхталадиган бўлсак, жорий йилда тумандаги ана шундай бинолардаги хонадонларга 15 мингта газ ҳисоблагич ўрнатиш режаланган бўлиб, шу кунга қадар 10 мингта зиёди ўрнатилибди. Айни кунларда эса «Сергели-2» мавзесида бу иш қизғин оlib борилмоқда. Бу борада тумангаз таъминот бошқармаси билан шартнома асосида иш юритаётган «Бунёд-қурилиш сервис» шўъба корхонасининг ишлари ибратлидир. Корхонанинг 4 та бригадага бўлиниб, фаолият кўрсатаётган ишчи-хизматчилари 2 йилдан буён газ ҳисоблагичлар ўрнатишда алоҳида тажриба тўплашган. Улар шу кунгача «Сергели-1», «Сергели-2» ҳамда «Қурувчи» мавзелиридаги 50 дан зиёд кўп қаватли уйларнинг хонадонларига газ ҳисоблагичлар ўрнатишди.

— Жорий йилда корхонамиз пайвандчи бригадалари томонидан 2000 тадан зиёд газ ҳисоблагичлар ўрнатдик, — дейди корхона раҳбари Низиқо 20-уйдаги 30 та хонадонга ҳисоблагичлар ўрнатиб бўлди. Айни дамда эса пайвандчиларимиз 19-ҳамда 21-уйлардаги 140 дан зиёд хонадон аҳлига қулайлик яратиш билан банд. Ишимизда

сифатга алоҳида эътибор қаратганимиз боис ҳам хонадон эгалари мамнун бўлишяпти. Айниқса, Қўзйой Раҳимов, Николай Карипонов, Абдумутал Убайдуллаев сингари байратли йигитларимиз сидқидилдан ишлашмоқда. Ушбу ҳафтада мана шу 5 қаватли уй хонадонларига газ ҳисоблагичлар ўрнатишни тугалтаймиз. Ўз ишимиздан, яъни тежамкорликка муҳим ҳисса қўшаётганимиздан мумнунимиз.

Пайвандчиларнинг хонадонлардаги ишини ҳам бироз кўзатдик. Бригада аъзолари 19-уйнинг 63-хонадонидagi ишларини якунлашяётган экан.

— Ҳамма нарсанинг ҳисоб-китоби бўлгани яхши, — дейди хонадон бекаси Надежда Воскова. — Албатта, барча хонадонларга ҳисоблагичлар ўрнатишса,



унинг самараси сезилади. Негаки, ҳисоблагич бўйича тўлагач, газни бехудага ёқиб ҳам қўймайсиз.

Мана шундай юмушлар йил охиригача туманнинг «Сергели-3», «Кўйлик-5», «Кўйлик-6», «Сергели-8» мавзелиридаги кўп қаватли уйларда ҳам давом эттирилади. Асосий мақсад юқорида тажриба тўплашган. Улар шу кунгача «Сергели-1», «Сергели-2» ҳамда «Қурувчи» мавзелиридаги 50 дан зиёд кўп қаватли уйларнинг хонадонларига газ ҳисоблагичлар ўрнатишди.

Дилноза ФИЁСОВА. СУРАТЛАРДА: «Кўшқўрган» маҳалласида газ ҳисоблагичлар ўрнатиш хонадонларда; «Бунёдкор» қурилиш-сервис» шўъба корхонаси раҳбари Низиқо 20-уйдаги 30 та хонадонга ҳисоблагичлар ўрнатиб бўлди. Айни дамда эса пайвандчиларимиз 19-ҳамда 21-уйлардаги 140 дан зиёд хонадон аҳлига қулайлик яратиш билан банд. Ишимизда

Алексей Попов олган суратлар.

Миробод туманида 3 йилдан буён фаолият кўрсатиб, коммунал соҳадаги ислохотларни амалга оширишга, яшовчилар ишончини ўз сазой-ҳаракатлари эвазига қозонишга интилаётган «Саховат» уй-жой мулкдорлари ширкати директори Алижон Пармонов ушбу саволга ҳеч қиланмай «Бу соҳада ишлаш қанчалик мураккаб бўлмасин, хонадон эгалари билан ҳамжиҳатликни йўлга қўйиш, ширкатнинг мақсад ва вазифаларини уларга тушунтириш билан бирга яшовчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини ҳам тўғри аниқлаш, бажарилаётган ишлар, тушаётган маблағлар, уларнинг сарфи ҳақида ҳисоб бериш муҳим аҳамият касб этишини ёдда тутмоқ керак. Фақат меҳнат, яшовчиларни тинглаш, тушуниш ва шу билан бирга ширкатнинг ривожига уларнинг ҳиссасини аниқлаш йўли билангина, биргаликда муваффақият қозона билади. Бу ишда лоқайдлик албатта панд бериб, юқоридаги норозиликларга сабаб бўлиши турган гап» деб жавоб берди.


Ҳа, бу жавоб бежизга келтирилмади. Юқоридаги уй-жой мулкдорлари ширкати жамоаси аҳолига хизмат кўрсатишда ана шунга амал қилади. Ширкатга аъзо бўлган уйларда яшовчиларнинг фикр-мулоҳазалари ҳар бир ишда инобатга олинади. Кўп қаватли 9 та уйни бириктириш билан ширкатнинг ушбу бинолардаги 724 та хонадон аъзоларига хизмат кўрсатаётган 24 та ходими зиммаларидаги масъулиятини аниқлаш ҳолда ишлашди. — 2000 йилнинг сентябрь ойида ташкил топганимиз боис ҳам биринчи қиш мавсумида анча қийинчиликларга дуч келдик, — дейди Алижон Пармонов, — негачи кузги-қишги тайёралик ишлари кўнгилдагидек бажарилмади. Шунинг учун носолиқ айни мавсумда панд берди. Бас шундан тўғри хулоса чиқариб, эрта баҳордан режа асосида ҳар бир уйнинг ҳолатини яхшилаш, носолиқларни тугатиш чораларини кўра бошладик. Бунинг учун кадрларни тўғри таллашга эътибор қаратдик. Албатта, яшовчилар билан тез-тез учрашиб, уларнинг фикрларини ҳам инобатга олдик. Натижа эса иккинчи мавсумда яққол сезилди. Демак, ишласанг, самараси яхши бўлишини аниқлаб етдик.

Ҳақиқатан ҳам ширкат ходимлари кейинги йилларда ишларни жонлантиришга эришди. 90-уйнинг ертўла қувурлари капитал таъмирланди, тик қувурларни эса ширкат кучи билан таъ-


• ШИРКАТЛАРДА

Сидқидилдан меҳнат қилишмоқда

Шаҳримизда фаолият кўрсатаётган уй-жой мулкдорлари ширкатлари ҳақида хонадон эгаларидан «Ишласа бўларканку, муаммоларимиз вақтида ечилмоқда, буюртмаларимиз тез ва соз бажарилмоқда, уйларимиз атрофи тоза ва озода» деган гаплар билан биргаликда «Эски ЖЭДдан фарқли бўлмайпти, ишлари ўлджўлда, уйларга эътибори ўзгармайпти» каби норозиликларни ҳам эшитиб қоламиз. Бунинг асосий сабаби нимада?



мирлашга эришилди. 88-уйни эса 2-титул бўйича 3-йилчорак таъмирлаш кўзда тутилган.



Ўтган давр мобайнида уйларнинг йўлакларни режа асосида таъмирланмоқда, доимо бинолар

ён-атрофи орасталигига эътибор қаратилади. Хисоб-китобнинг тўғри бажар-

УЙ-ЖОЙ-КОММУНАЛ ХИЗМАТИ:

истиқбол ва муаммолар

• АЙТСАМ ТИЛИМ... ТЎҒРИ САВОЛГА — ЭҒРИ ЖАВОБ

Домланинг боши қотди. Туман ҳокимлигига мурожаат этсинми? Мабоодо шундай йўл тўтса, у ердakilарнинг: ўзингиз истиқомат қилаётган уй-жой ширкатига мурожаат этинг, — дея осонликча чап беришлари тайин. Барчага келган тўй-да, дея қўл қовуштириб ўтириш ҳам тўғри келмайди. Ахир личок бориб сўякча тақалди-ку.

Ҳақиқатан ҳам Александр Головановнинг қўйиб-пишганина бор. Келинг бир бошдан ҳикоя қилайлик. Мана у бир неча йилдирки, Собир Раҳимов туманидаги Далабоев кўчасидаги 2-уйнинг 2-хонадонда истиқомат қилади. Қанчон қараманг, тўққиз қаватли уйнинг ертўласи сувга тўла. Айрим пайтларда уни ваҳима босади. Бехосдан уй чўкиб, босиб қолса-я. Қаргача боради?

Бунинг устига ертўладан чиқаётган чивинни айтмайсиз-ми? Айниқса, кечқурунлари кўч очиригани қўймайди. Мана, яхши ният билан ширкат ҳўжалиги ташкил этилган эди. Ахир ҳар бир ташкилот ўз аъзолари олдида маълум бир вақтда ҳисоб бериб туриши керак-ку. Уларнинг тўлаётган пуллари қаерга кетаяпти?

Маъжур уйда яшовчи бошқа қўни-қўнлар билан суҳбатлашгудек бўлсангиз, уларнинг ҳам фиғони

дан: дардимизни тушуларимиз? — деган ифодани уқиб олиш қийин эмасди. Бахтга қарши ширкат бошлиғи иш билан қаергадир кетган экан. Уни соатлаб кўтиш ҳам натижа бермади. Узини бош ҳисобчи дея таништирган Н. Полвонова ҳам мулоқотда бўлишди.

— Қўлимиздан ҳеч бир иш келмайди. Чунки шу уйда яшовчиларнинг кўпчилиги ихара ҳамда коммунал ва маиший хизмат ҳақини ўз вақтида тўлашмайпти, — дейди бош ҳисобчи. — Мана шу уйда 80 хонадон истиқомат қилади. Қардорлик эса 2 миллион 71 минг сўми ташкил этади. Бунинг оқибатида...

Унинг гапларини эшитишлари биланок А. Голованов билан И. Аҳмедовлар кўчалардан шартга тўлов қосқоларини чиқардилар.

— Ахир бошқалар учун биз айбдор эмасмиз-ку, — дея эътироз билдиришди улар. Бош ҳисобчи елка қисди...

Мана шуниси ёмонда. Шикоят қилиб, ёрдам сўраб борсангиз амалий иш ўрнига қандайдир ваҳи олдинга қалаштириб ташлашса, бу ҳам бир бало. Бизнинг шикоятчи-ларимиз бўлашганига оқраларига қайтишди.

Бўла-бўлаш 9-қаватли уйнинг ертўласини кўздан кечирдик. Ат-

• НИГОҲ

БИРИДАН СУЮНИБ

Пойтахтимизни яшил чаманзорга, гулу гулзорга айлантиришга кейинги йилларда катта эътибор қаратилмоқда.

Негаки барчамизнинг меҳр-муҳаббатимиз беқийс бўлган азиз шаҳримиз — она Тошкентимизнинг мухташам иморатлари, равои кўчалари, сўлим хиёбонлари нафақат кўнгилмизга завқ-шавқ бағишлайди, балки бу ерга қўллаб ташриф буюраётган озолаб хорижий меҳмонларнинг ҳам лол қолдиради.

Тошкент — гуллар шаҳри, десак бугун асло янглишмайми. Кўчаю хиёбонларимизда эрта баҳордан ҳатто қиш мавсумигача чаман бўлиб очилиб турган ранг-баранг гулларни кўриб (суратда) беихтиёр унинг гўзаллигидан қалбнинг фаҳрга тўлади.

— Ушбу уй қурилиб, фойдаланишга топширилганидан буён шу аҳвол, — дейди маҳалла фаоли Суннат ака Йўлқов. — Қанчон қарардонлар кўчалардан шартга тўлов қосқоларини чиқардилар.

— Ахир бошқалар учун биз айбдор эмасмиз-ку, — дея эътироз билдиришди улар. Бош ҳисобчи елка қисди...

Мана шуниси ёмонда. Шикоят қилиб, ёрдам сўраб борсангиз амалий иш ўрнига қандайдир ваҳи олдинга қалаштириб ташлашса, бу ҳам бир бало. Бизнинг шикоятчи-ларимиз бўлашганига оқраларига қайтишди.

Бўла-бўлаш 9-қаватли уйнинг ертўласини кўздан кечирдик. Ат-

рилиши, бошқарув аъзолари олдида бу ҳақда вақти-вақти билан ахборот бериш, «Миробод» маҳалласи фаоллари билан ҳамкорлик, кечая кундуз диспетчерлик хизматининг ташкил этилганиги ва энг муҳими буюртмаларнинг вақтида бажарилиши бу хонадон аъзоларининг ширкатга ишончини, ҳамжиҳатлигини мустаҳкамлайди.

— Бугунги бўлган камчиликни эртага илжори боришга тугатишга ҳаракат қиламиз, — дейди Алижон Пармонов. — Бажарилган ишни эса ўзим назоратга олам. Қўни-қўнларини таъмирлашга ҳам эътибор қаратилади. Вазифаларни эса фақат ҳамжиҳатликда адо этса бўлади. Бунинг учун ширкат ходимлари янада сидқидилдан ишлаб, уйларда истиқомат қилувчиларни ўз атрофида жиқлаштиришга аҳд қилишган. Энг қувонарлиси эса уларнинг бугунги меҳнатини яшовчилар сезмоқда, ширкатни мамнунлиги билан қабул қилмоқда.

Шарифа ИЛЁСОВА СУРАТЛАРДА: ширкат директори Алижон Пармонов (ўнгда) ходимлар билан; чилангар Арсен Доронин пухта ишлари билан яшовчиларни мамнун этмоқда.

Ҳақимжон Солихов олган суратлар.

• ГАЗЕТХОН МАКТУБИ

Талабга жавоб бермайди

«Биз истиқомат қилаётган Собир Раҳимов тумани, Қорасой кўчасида жойлашган 8-уй «Гуруч-арикобод» уй-жой мулкдорлари ширкати тасарруфидир», — деб ёзилибди шу уйда истиқомат қилувчилар номидан Маҳмудова, Низомова, Облакшова, Азимова ва Каримовлар.

— Лекин унинг номига жарангдор «обод» сўзи қўшилгани билан амалга оширилаётган юмушлар истеъмолчилар, яшовчилар талабига асло жавоб бермайди. Нега дейсиз-ку? Булмас ашитинг: Биз яшаётган уйнинг истиш тизимлари қишги мавсумга тайёрланмаганиги боис ҳам хонадонларимиз қишда яхши исмайди. Уйимиз томидан ёгингарчилик вақтида ҳар доим чакка ўтиб, булдан нафақат юқори қаватлардаги, балки бошқа қўни-қўнлар ҳам азият чекишди. Шунинг учун ҳам қишда уй ичидан саз хиди келади.

Энди ертўла ҳақида гапирмасак ҳам бўлади. Чунки у ер сув ва чиқиндиларга тўла бўлганлиги учун ҳам чивинхонага айлиб қолган. Натижада чивинларнинг дастидан яшовчилар азият чекишмоқда.

Ахир уйимиз 9 қаватли, юқори қаватларда ҳам қўллаб қарийлар, болали аёллар яшашиди. Лекин бизга хизмат кўрсатувчи лифт тез-тез ўчиб туради. Ҳозир ҳам нари-бери ишлаб турган лифтни ўчириб қўйишди. Негаки ундан қарзимиз бор экан. Аммо биз лифт учун тўловларни ширкатга тўлаганимиз, ширкат эса хизмат кўрсатувчига умуман пул ўтказмади. Натижада эса хонадонлар аъзолари бу сансалорликдан азият чекимоқда. Ахир биз тўлаган пуллар қаёққа кетаяпти? Бунга ширкат раиси жавоб бермаса, бирорта мутасадди раҳбарлар уларнинг ишини текшириб бизга аниқлаб беришини. Қонунда қўзда тутилган вазифаларни адо этмаса бундай ширкатнинг нима қарғи бор?



• СЎРАНГ, ЖАВОБ БЕРАМИЗ

Ширкатнинг умумий мол-мулки

Уй-жой мулкдорлари ширкатининг умумий мол-мулки ва уни сақлаш ҳамда таъмирлаш ҳақида маълумот берсангиз.

Гулнора Собитова, Шайхонтоҳур тумани.

Ўзбекистон Республикасининг «Уй-жой мулкдорларининг ширкати тўғрисида»ги Қонунини ўқиб, унинг биттадан ортиқ мулкдорга хизмат кўрсатувчи умумий жойлари, квартиралар оралиқдаги ихтисослашган (ўрама) пиллажаюлар, зинаюялар, лифтлар, лифтнинг шахталари ва бошқа шахталар, даҳизлар, техник қаватлар, таянч ва тўсиқ конструкциялар, квартира ташқарисидида ёки ичидида жойлашган ва биттадан ортиқ квартирга хизмат кўрсатадиган механик, электр, санитария-техника қурилмалари ва бошқа қурилмалар, бино атрофидаги қўқалмазорлаштириш ва ободонлаштириш элементларини ҳам қамраб олган ер участкалари, шунингдек ширкат кўчаси мулкнинг ягона компаниясига хизмат кўрсатишга ва уни сақлашга мўлжалланган бошқа мол-мулк ширкатдаги умумий мол-мулк ҳисобланади.

Ширкат аъзоси умумий мол-мулкни сақлаш ва таъмирлаш бўйича ҳарҳаётларда унинг умумий маълонидидаги ўзига тегишли бўлган квартира майдонини улушига мутаносиб тарзда иштирок этади.

Мулкдор ўзига тегишли хоналардан фойдаланмаганиги ёхуд умумий мол-мулкка эгалик қилмагани билан умумий мол-мулкни сақлаш ва таъмирлашга доир умумий ҳарҳаётларда иштирок этишдан қўтқунмай ёки қисман оқуд этиш учун асос бўлмайди.

Ширкатдаги умумий мол-мулк ширкат аъзоларининг умумий улуши мўлқиди бўлади, ер участкалари бундан мустасно. Ширкатдаги умумий мол-мулк квартирга эгалик ҳуқуқидан алоҳида тарзда ўзга шахсга ўтказилиши мумкин эмас. Ширкатдаги умумий мол-мулкка эгалик қилиш, ундан фойдаланиш барча мулкдорларнинг келишувига биноан амалга оширилади, бундай келишув бўлмаганда эса истаган мулкдорнинг даъвосига биноан суд томонидан белгиланади. Умумий мол-мулк объектлари ширкат умумий мажлисининг қарорига биноан фойдаланиш учун бошқа шахсларга берилиши мумкин.

Тиббиёт

МИКРОЖАРРОҲЛИКДА ҚЎЛ КЕЛДИ

Ўзбекистон Фанлар академиясининг «Физика-Куёш» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси физика-техника институту лабораторияларида олиб борилаётган изланишлар янги хил тиббий асбоблар намуналарини яратиш имконини бермоқда. Физик олимларнинг Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлигининг офтальмология клиник касалхонаси билан ҳамкорлиги туфайли лазер микрожарроҳлигига доир курилма ҳам юзага келди.

Шифохонанинг лазерли күз микрожарроҳлиги илмий-тадқиқот лабораториясида муолажалар олиб боришда қўлланишга тавсия этилган ана шу аппарат энг яхши ихтиролардан бири деб топилди. Республика патент идораси гувоҳномаси берилганлиги бу мураккаб тиббий асбобнинг истиқболлигидан далолат бериб турибди.

МАРКАЗИЙ ЛАБОРАТОРИЯ ТАДҚИҚОТЛАРИ

Тиббиёт олий ўқув юрталари лаборатория ва кафедралари илмий тадқиқотлар марказлари сифатида ҳам самарали фаолият кўрсатмоқда. Биринчи Тошкент Давлат тиббиёт институтининг марказий илмий тадқиқот лабораториясида олиб борилаётган изланишлар натижалари кутилгандек бўлмоқда.

Канд касаллигини даволашга қаратилган муолажаларни самарали усуллар ёрдамида ташкил этиш имкониятлари ҳам юзага келди. Ташхис қўйиш ва даволаш жараёнларини такомиллаштириш мақсадида ҳам қатор янгиликлар қўлга киритилди.

Бу каби илмий тадқиқотлар учун лаборатория республика Фан ва технологиялар маркази томонидан грантларга эга бўлди.

КЛИНИК МАРКАЗ

Ўзбекистон гематология ва қон куйиш илмий-текшириш институтида ўнга яқин бўлим фаолият кўрсатмоқда. Унинг клиник бўлимлари орасида гематология муолажалар билан шуғулланувчи марказлар алоҳида ўрин тутди.

Бу ерда катталар саломатлиги билан шуғулланаётган бир йўла иккита бўлим ишлаб турибди. Болалар гематологиясини ривожлантириш мақсадида кўрилаётган тадбирлар ҳам самарали бўлмоқда.

Масаланинг муҳимлиги инобатда олиниб институтда яна бир бўлим ташкил топди. Унда 30 ўрин бўлиб, камқонлик билан хасталанган беморлар даволанмоқда.

Муолажалар олиб боришда қон таркиби патология терапияси дастурларидан фойдаланилмоқда. Замонавий фармадори-дармонлар беморларнинг тезда соғайишларида муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Бўлим биринчи Тошкент Давлат тиббиёт институтининг гематология курси бўйича клиник негиз вазифасини ўтамоқда. Бу ерда, шунингдек клиник ординаторларни тайёрлаш йўлга қўйилди.

Акбар АЛИЕВ

• ОРОМГОҲЛАРДА

Дилларни дилларга боғловчи кўприк

Ёшларимизнинг ҳар соҳада илмли, салоҳиятли бўлиб камол топиши барчамиз учун олий мақсаддир. Жумладан, ҳарбий жиҳатдан Ватан ҳимоясига шай ўғлонларни тарбиялаш, профессионал армиямизни ривожлантириш Истиклолнинг 12 йиллик тўйини нишонлаш арафасида турган юртимиз равнақи ва фаровонлиги йўлида қилаётган эзгу ишларимизнинг амалий ифодасидир.

Президентимизнинг «Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлиши шарт» деган сўзларини ўзларига шиор қилиб олган «Ватан ҳимоячиси» оромгоҳи дам олувчилари ёзги таътиллари мазмунли ўтказаятганига шубҳа йўқ, асло. Тўрт йилдирки, Ўзбекистон Республикаси Чегараларни қўриқлаш кўмитасининг «Оқтош» ўқув марказида ташкил этилган масканда юртимизнинг турли вилоятларидан, ҳатто қўшни республикалардан келган болалар дам оладилар.

Кунни кеча ушбу ҳарбий-ватанпарварлик оромгоҳининг тантанали очилиш маросими ўтказилди. 18 кун давомида бу масканда 330 дан ортиқ байналмилалчи ва чегарачиларнинг, ижтимоий муҳофазатга муҳтож оилаларнинг фарзандлари ҳамда ҳар бир вилоятдан «Ҳарбий ватанпарварлик» клубларининг финал босқичи ғолиблари дам олишади. Ҳаттоки, жамоат тарти-

бини бузган вояга етмаган ўспирин болаларни тарбиялаш, улар онига садоқат, она-Ватанга муҳаббат туйғуларини сингдириш мақсадида бундай ўсмирлар ҳам оромгоҳга таклиф этилади. Бу болаларнинг ҳарбий тартиб бўйича яшашлари, турли спорт машғулотлари билан мунтазам шуғулланишларини кўриб қувсанг, эгнидаги ҳарбий кийимга қараб тўймаётган, бегубор болакайнинг тилидан кўчган «Ватанимга хизмат қиламан» деган сўзларини эшитганимда юрагимда ажиб бир ҳавасни тусан.

Ёнгинамиздаги фарзандларини мамнун кайфиятда кузатиб турган ота-оналарнинг ўзaro сўхбагига қўлоқ тутамиз: — Ўғлимнинг баримдан чиқиб кетганига икки кун бўлса-да, бугун уни танимаяпман.

— Нимасини айтасиз, болаларимизнинг уйдаги шўхликлари ўрнини жиддий, катталарга хос интизом эгаллаган...

Дарҳақиқат, бутун маҳалланинг додони бериб юрганга кўра, шу ёшдан она-Ватанга

садоқат ила хизмат қилишдек улкан шарафни қалбига сингдириб бораётган бу болаларнинг эртага турли иллатларга шерик бўлмаслигига амин бўласан киши. Хамдўстлик давлатларидан, ҳатто олис жанубий корейлик ёшлар ҳам ушбу оромгоҳга дам олиш учун ташриф буюришмоқда. Ўзбекистонлик тенгдошлари ҳаёти билан яқиндан танишишмоқда. Демак, мазкур даргоҳ дилларни диллар, мамлакатларни мамлакатлар билан боғловчи кўприкка айланса ажаб эмас.


— Бугун ҳаммамиз ҳаяжондамиз, — дейди тадбирда бош етакчи Талъат ака Муродов. — Янги дўстлар билан танишишга, ҳарбий ҳаётни астойдил тушунишга бел боғлаб турибмиз. Ўрта Осиёда ягона мавқега эга бўлиб бораётган оромгоҳимизнинг очилиши билан барчангизни қутлар



эканман, мардлик ва содиқлик сизларни тарқ этмасин.

Тантанани томоша қиларканмиз, Ўзбекистонимизни сидқидилдан ҳимоя қилишга қодир, юртимиз тинчлиги йўлида жон тикишга тайёр фарзандларимиз борлигига иймон келтирдик. Осмонимиз бундан-да мусаффо, ҳаётимиз фаровон бўлишини Яратгандан сўраб оромгоҳни тарқ этдик.

Шоира БОЙМУРОВА,
Ўзбекистон Миллий университети журналистика факультети 3-босқич талабаси.
СУРАТЛАРДА: «Ватан ҳимоячиси» оромгоҳининг очилиш маросимидан лавҳалар.



Республика Олий Мажлисининг Атроф-муҳит ва табиатни муҳофазат қилиш масалалари кўмитасида «Атмосфера ҳавосини муҳофазат қилиш тўғрисида»ги қонуннинг Тошкент шаҳридаги ижросига бағишланган йилгилиш ўтказилди. Шунингдек, депутатларнинг Олий Мажлисининг иккинчи чакриқ ўн иккинчи сессияси кун тартибига киритиши мўлжалланаётган масалалар ҳам муҳокама этилди.

АТМОСФЕРА МУҲОФАЗАСИ УЧУН

Анжуманда шаҳар ҳокимлиги ва унинг бўлимлари томонидан қонун ижросининг назоратини амалга ошириш бўйича муайян ишлар амалга оширилаётганиги таъкидланди.

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгашининг коммунал-ҳўжалик ва атроф муҳитни муҳофазат қилиш масалалари доимий комиссияси сўнгги икки йил ичида мазкур масалаларни ўрганиб чиқиб, ҳавони муҳофазат қилиш фаолиятини яхшилаш юзасида тавсиялар берди.

— Икки ярим йил ичида шаҳар корхоналарида атмосфера ҳавосини муҳофазат қилишга қаратилган, жами 5,5 миллиард сўмлик 178 та тадбир ўтказилди, — деди кўмита раиси Қудабеган Жумабеков. — Бу эса ҳавога зарарли чиқиндилар чиқишини камайиш имконини берди. 2000 йилдан буён Тошкент автомобиль халқа йўлида жойлашган ИХХ постларида экология вазводи фаолият кўрсатаётти. 2000-2002 йилларда ҳавонинг ифлосланиш даражаси корхоналардан чиқаятган зарарли чиқиндилар микдори камайиб бораётганлигини кўрсатмоқда. Масалан, 1990 йилда бундай чиқиндилар 37 тоннадан зиёд бўлса, ҳозирда бу кўрсаткич 10-12 тоннани ташкил этади.

Йўлларни таъмирлаш ва янгиларини қуриш натижасида ҳам автотранспорт чиқиндилари камайитрилмоқда. Масалан, сўнгги йилларнинг ўзида Сағбон, Форобий, Корасарой, Ф.Ғулом, А.Дониш, Нукус, М. Ҳайрур кўчалари деярли бутунлай, Навоий ва А.Ҳўжаев кўчаларининг муайян қисми ян-

гидан қурилди, олтига кўприк барпо этилди. Йилгилишда транспорт воситаларининг 50 фоизидан ортиги эскириб қолганлиги ва ёқилги сифатининг ёмонлиги натижасида захарлилик даражаси ортиб, бу кўрсаткич 2002 йилда 15,3 фоизга етганлиги қайд этилди.

Шаҳарда саноат корхоналарининг кўплиги туфайли захарли чиқиндиларни қайта ишлаш полигони учун ер майдони ажратилиши ва уни қуриш масаласини ҳал этилиши чўзилиб кетмоқда.

«Уздавнестгаинспекция»сининг маълумотларига кўра, кейинги икки ярим йил ичида ёнлиги сифатини текшириш учун 2 минг 22 та намуна танлаб олинган бўлиб, уларнинг 7,3 фоизи талаб даражасига мос келмайдди.

Стационар манбалардан чиқадиган чиқиндилар туфайли ҳавони ифлослантириш камайётганлиги кузатилаётганлигига қарамай, шаҳарда ҳавонинг автотранспорт воситаларидан чиқариладиган газлардан ифлосланиши йилдан йилга ортиб бораётганлиги таъкидланди.

Шунингдек, анжуман иштирокчилари парламент сессиясининг муҳокамасига киритилаётган «Табиатни муҳофазат қилиш тўғрисида»ги, «Атмосфера ҳавосини муҳофазат қилиш тўғрисида»ги, «Маҳсулотни тақсими-тига оид битимлар тўғрисида»ги қонунларга ва Табиатни муҳофазат қилиш давлат қўмитаси тўғрисидаги низома қўшимчалар ва ўзгартришларни муҳокама қилдилар.

«Туркистон-пресс»

• ТАҚДИМОТ

«Қор қўйнида лола»

Кунни кеча пойтахтимиздаги Алишер Навоий номидаги санъат саройида «Ўзбекино» давлат акциядорлик компанияси ҳузуридаги «5-студия» Ёшлар ижодий уюшмаси ижодкорлари томонидан атоқли ўзбек ёзувчиси Абдулхамид Чўлпоннинг «Қор қўйнида лола» ҳикояси асосида суратга олинган 7-ш номдаги бадиий фильмнинг премьераси бўлиб ўтди.

Тақдимотда фильм ижодкорлари, журналистлар, кўплаб киномуҳлислар иштирок этидилар. «Ўзбекино» давлат акциядорлик компанияси раиси Мурод Муҳаммад Дўст тадбири очар экан, янги фильм илк мартаба кинода ўз истеъдодини синаб кўраётган ёшларнинг ижодий изланишлари маҳсули эканлигини таъкидлади.

«Қор қўйнида лола» фильмида икки ёшнинг фожiali муҳаббати, бир-бирининг висолига етиш йўлида чеккан азиятлари, мол-дунёга ҳирс қўйган кишиларнинг кирдикорлари ҳақида ҳикоя қилинган.

Фильмдаги асосий ролларни Саидқомил Умаров, Зулхумор Муминова, Улмас Алихўжаев, Лола Элтоева сингари таниқли санъаткорлар маҳорат билан ижро этганлар. Фильмни Ёлқин Тўйчиев сценарийси асосида режиссёр Аюб Шаҳобидинов суратга олган. Бош тасвирчи — Абдувоҳид Фаниев, бош расом эса Қаҳрамон Нуриддинов.

Юлдуз УСМОН

Шарқ дурдоналари

Оз-оз ўтганиб
домо бўлув...

• Ватан тарбиясини оила кучоғидан бошлаш лозимдир. Биласизки, кичик болаларда ватан фикри бўлмайди. Улар учун ватан — она кучоғидир. Болалар оилани сева-сева ватанларини севишга кўникадилар. Бу эътибор билан оила муҳаббати ватан муҳаббатининг асосини ташкил қилар экан. Оила муҳаббати эса оила кучоғида ва оила муносабатларида вуҷудга келгани учун ватан муҳаббати ҳам дастлабки озиғини, дастлабки қувватини оила кучоғидан олади.

Оила аъзолари орасида нақадар қувватли боғланиш ва муҳаббат бўлса ватан муҳаббати ҳам шунча қувватли ва мустақкам бўлади. Ўз оила аъзоларига нисбатан туйғуга эга бўлмаган, уларга фидокорлик қилишни билмаган бир киши ватанга ҳам фидокорлик туйғуси билан туйғулана олмайди.

Хулоса: ватан тарбиясида дастлабки вазифа оилага оиддир. Авлодимизга тўлиқ ватан муҳаббатини бериш учун, аввало уларнинг кўнгилларига қувватли бир оила муҳаббатини сингдиришимиз, шу билан бирга ватандошларимизга нисбатан муҳаббат ҳисларини уйғотишимиз лозим.

Оила муҳаббати ватан муҳаббатининг муқаддимаси, биринчи босқичи эканини унутмайлик.

• Мехнатни севиш, ғайрат билан матонат билан ишлашнинг учта ширин меvasи бор. Биринчиси — таннинг саломатлиги, иккинчиси — кўнгил роҳати, учинчиси — ақл ва зехннинг ортишидир.

• Бахтиёр бўлишни истасангиз, ҳар бир ишингизни ўз вақтида бажаринг, бугунги ишни эртага қолдирманг, фурсатни қўлдан берманг.

• Мехнатни севамаган одам ҳар бир бузуқликни қилишга тайёрдир. Мехнат инсонга бахт-саодат келтиради. Ялқовлик ва ишсизлик эса фалокат гирдобига ташлайди.

ХИКОЯТ. Балиқчи тутган балиқларини уйига олиб келар экан, бир золим йўлтўсар унинг балиқларини тортиб олади ва уради. Балиқчи бундай дуо қилди: «Ё раббий, мени заиф, уни қувватли яратдингки, у менга зулм қилди. Махлуқотингдан бирини унга рўпара қил, токи бутун олам ундан ибрат олсин. Ё раббий, сен ҳар нарсага қодирсан!»

Золим балиқларни пишириб еяётган пайтда томоғига қилтаноч тикилди. Нафас ололмай қолди. Табибларга юғриб даво тополмади. Кенга ақин Аллоҳга ёлворди. Золим тушида: «Фалон одамнинг ҳақини берасан, шундан сўнг хасталиқдан қутуласан», деган нидони эшитди. Уйғонар-уйғонмас шошилиб балиқчини кидириб топди. Унга минг дирхам бериб ҳалоллашди. Аллоҳнинг изми билан хасталиқдан қутулди.

Байт:

Мехнат ила ҳал бўладир
ҳар мушкул,
Коми дил мехнат ила бўлғай
ҳосил.

Туш кўрибман. Абгор бир аҳволда дашт-биёбон кезиб юрганмишман. Билгимда эски чопон, боран манзилимнинг тайини йўқ. Гўё тарки дунё қилган девонаман. Дайди-дайди бир маҳал одам бели баравар кўтарилган паҳса деворга дуч келдим. Ортида кўкраги очик, енги билагига шимарилган ятқада уй кўтараётган таниш нуруний чехра. Не кўз билан кўрайки, паҳса ортида майин жилмайиб турган уш — меҳр куйчиси, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Раҳмат Файзий эди. Шошиб қолганимдан паҳса устидан сакраб ўтдим. Жилмайганча пешонамдан ўпарқанлар ҳаяжондан чўчиб ўйғониб кетдим. Кўзим очик, ўрнимдан туришга ҳолим келмай деразадан ёришиб келаётган уфққа тикилиб ётарканман ҳаёл олиб қочади. Миямда турли саволлар чарх уради. Нега бундай туш кўрдим? Вафот этганларига 15 йил бўлаётган бўлса, бирор марта бундай аниқ-тиниқ тушимга кирмаган эдилар. Сабаб нима? Енг шимариб кураётган иморатларининг маъноси нимада? Мени кўриб шодланганларининг боиси-чи? Саволларга жавоб изларканман фикрим тиниклашиб боради, туш асносида ўтган кунини хаёлан сарҳисоб қиламан. Ўзимча хулосалар чиқараман, тушга боғлиқ томонларини таҳлил қиламан...

Шу тонда ёдимга таникли адиб Раҳмат Файзийнинг уруш ҳақидаги хотираси тушади... Жанг майдонида оғир яраланган Раҳмат ака қаттиқ ҳушидан кетган экан. Жангдан сўнг ўликларни йиғиб юрган ҳамширалардан бири, унинг баданида ҳаёт шаъми ҳали ўчмаганлигини сезиб қолибди ва госпиталга судраб борибди. Йўқса, уни жони узилмасдан кўмиб юборишган бўлар экан. Қирқ йил қирғин бўлганда ажали етган ўлади, дейишгани бежиз бўлмаса керак. Балки, бу ибора ўзини-ўзи тинчлантириш учун уйлаб топилгандир. Яна ким билади?! Асосийси, тинч ҳаёт, осуда турмуш, мусоффо осмонимиз борлигига шукрона айтаман.

Хизмат тақозоси билан Чигатой қабристонига кириб борар эканмиз, режиссёримиз Шухрат Хўжаев аста шивирлади.

— Ғайрат ака, битта, тиловат қилинг!

Халқимизнинг сеvimли санъаткори, Ўзбекистон халқ артисти Сойиб Хўжаев ҳайкали пойига тиз чўкамиз. Ушбу муқаддас маскан мангу ошёнларига айланган алломага фузало, шоиру санъаткор, ар-боблар руҳини ёдга оламиз. Бўш вақтимиз борлигидан фойдаланиб, сағаналар оралаймиз...

Халқимиз адабиёти ва санъати тарихида ўз иқтидорлари билан ўчмас из қолдирган, энди ўзлари тарихга айланган буюк зотларнинг сиймолари худди тирикдек юракка титроқ солади.

Халқимизнинг мангуликка

дахлдор фарзандлари, санъаткорлар — Юнус Ражабий, Ботир Зокиров, Шукур Бурхон, Сойиб Хўжаев, адиблар Ойбек, Абдулла Қаҳҳор, Мақсуд Шайхзода...кеलाжакка назар солиб туришгандек. Ҳар бири бир олам, ҳар бири бир тарих. Хотиралар оғушида академик шоир Фафур Фуломнинг пурвиқор ҳайкали пойдагиди ўриндиққа ўрнашаман. Ҳаёл тулпори, олисларга олиб қочади. Ўзбекистон халқ ёзув-

Устоз фотихасини олғач «Сен етим эмассан» бадий фильмининг нафақат ўзимизда, хорижда ҳам машҳур бўлиб кетишининг сири шунда эмасми? Инсоф, диёнат, садоқат дарахтининг меvasи барчага манзур бўлиши исбот талаб этмайдиган ҳақиқат.

Ҳар кун тонг қоронғусида уйғониб, бир пайла қаҳва ичганча ижодхонасида ёзув ст-лалга мук тушиб, қоғоз қора-

• ХОТИРА УЙҒОНСА ГЎЗАЛДИР

ҲАЗРАТИ
ИНСОН МЕҲРИ

чиси Раҳмат Файзий билан сўхбат ёдга тушади. Адиб темирчи Шоаҳмад Шоаҳмадув ва Баҳри ая оиласида тарбия толган 14 етимнинг тақдир ҳақида хикоя қилувчи кино-қисса ёзиб тугатилганларида Фафур ақанинг олдига борган эканлар. Улуғ шоирнинг машҳур «Сен етим эмассан» шеъри сарлавҳасини ўз асарларига қўйишга руҳсат сўрабдилар. Устознинг розилигини олиб, мамнун ҳолда уйга қайтибдилар. Уйга толаман. Шаркона одоб, шоғирнинг устозга бўлган меҳри, ҳурмати ифодаси эмасми бу?!

лаётган Раҳмат Файзий сиймоси кўз олдимда жонланади, ёзувчилик захматини ўз елкасида синаб кўрган ижодкоргина зар қадрига етган заргардек ижод қадрига етади. Биринча сарлавҳа учун устоз ширдан изн сўрайди, фотихасини олади.

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Раҳмат Файзий қабри қришида ўтирар эканман, адиб умрининг сўнгги соатлари кўз олдимда жонланади...

Хизмат билан Қорақалпоғистонга отландим. Жунайдиган куним оқ йўл тилаб, илтимос қилдилар.

• ТАБИАТ АЖОЙИБОТЛАРИ

ДОЯ ДЕЛЬФИНЛАР

Дельфинларнинг ўта тез сузувчи жонивор экани ҳаммага маълум. Улар 100 метр масофани 10 сония ичида босиб ўтади. Сувнинг қаршилиги ҳавога нисбатан 800 марта кўплигини ҳисобга олган ҳолда дельфинларнинг катта тезликда сузишини қандай изоҳлаш мумкин?

Яқинда аниқланишича, бу масалада сирли бир ҳодиса йўқлиги аён бўлди, яъни бунинг сабаби жониворнинг гавда тузилиши билан боғлиқ экан. Кит ва дельфинларнинг гавда тузилиши кemasозларга жуда қўл келди. Кема ясовчилар ана шунини ҳисобга олиб китсимон шаклдаги уммон кемасини яратдилар. Бундай янги кемалар ёқилгини анча тежаб сарф қилар, моторнинг тортиш кучи 75 фоизга кам бўлишига қарамай юк кўтариш ва сузиш тезлиги бўйича олдинги кемалардан қолишмас эди.

Барча ҳайвонлар қимирламасдан ухлайди, дельфинлар сувда яшагани учун ҳам бундай қотиб ухлолмайди, чунки улар сувга чўкиб кетишлари мумкин. Дельфинлар бир жойда қимирламасдан узок вақт туролмайди ва ахён-ахёнда нафас олиш учун сув бетига кўтарилади. Дельфинлар ухлайдими деган саволга жавоб бериш учун олимлар тадқиқотлар олиб боришиб, дельфин миясининг иккала ярим бўлаги ҳам бир вақтнинг ўзида эмас, балки навбат билан ухлар, бири ухлаганда иккинчиси сергак бўлар экан, деган хулосага келишди.

Сув муҳитига мослашиш дельфинлар хулқ-атворида қизиқ ўзгаришларга олиб келди. Дельфин боласи боши билан эмас, балки думи билан туғилар экан. Бунда она дельфин ўзига хос хуштак чалиб иккинчи бир

она дельфинни дояликка қақирар экан. Тез орада ёрдамга етиб келган доя дельфин янги туғилган болага ёрдам бериш мақсадида уни онасидан ажратиб олиб сув бетига чиқаради ва илк бор нафас олишга ёрдам беради. Она дельфин овга кетганида доя дельфин болани кўриқлайди. Бундай ёрдам икки ҳафта давом этгач, доя дельфин уларни тарқ этади.

Дельфинларнинг мия тузилиши ва асаб тизимининг ишлаш тезлиги одамларникига ўхшашдир. Улар жуда мукаммал ультратовушли эхолокаторга эга. Дельфинлар бир сония ичида 200 минг частотали товуш чиқаради. Одамларда товуш имкониятларининг энг юқори чегараси 20 минг тебраношга тенг.

Толень ва кашалотлар ҳам акс садодан фойдаланадилар, кашалотлар денгизнинг чуқур қатламларига шунгайинлариде уларга эхолокация жуда қўл келади.

Сувда яшайдиган барча ҳайвонларда эхолокациянинг бундай ривож топиши уларнинг сув муҳитига ўта яхши мослашиши билан боғлиқдир, чунки денгиз сувида товуш ҳаводагига қараганда 5 марта тезроқ тарқалади.

Дельфин ва китларнинг ҳозирги турларининг пайдо бўлганига 25 миллион йил бўлган.

Яхё ДАВЛАТОВ,
биология фанлари доктори.



Шаҳримизнинг хушманзара гўшалари.
Ҳаким Солиҳов олган суратлар.



Спорт

Мини-футболчиларимиз муваффақияти

Ававал хабар берганимиздек, Эронда мини-футбол бўйича Осиё чемпионати мусобақалари бўлиб ўтмоқда. Мусобақаларга терма жамоамизни тайёрлаган бош мураббий Азамат Абдураимовнинг дастлабки мураббийлик фаолияти ҳам омадли бошланди дейиш мумкин. Сабаби, ўзбекистонликлар ўз гуруҳларида ироқликларни 5:3, малайзияликларни 5:1 ҳисобларида мағлубиятга учратди. Фақатгина Таиланд терма жамоаси билан кечган мурдасиз беллашувда рақиблар томонидан дарвозага йўланган ягона гол эвазига 0:1 ҳисобида мағлубиятга учраган Азамат Абдураимов шогирдлари гуруҳда иккинчи ўрнини эгаллаб кейинги босқичга йўланма олишди.

Қандай қарорга келар экан?

«Пахтакор» ҳамда Ўзбекистон ёшлар терма жамоалари ҳужумчиси Марат Бикмаевнинг иқтидори ҳақида ишқибозларга тўхталиб ўтиш ўринсиз. Чунки Марат аллақачон ўзининг ажойиб комбинациялари, техник маҳорати ва чиройли ўйини билан нафақат футбол ишқибозларининг, балки мутахассисларнинг ҳам эътиборига тушиб улгурган. Ўзбекистон ёшлар терма жамоасининг бош мураббийси Виктор Борисов ноябрь ойида Бирлашган Араб Амирликларида ёшлар ўртасида ўтказилган жаҳон чемпионатида Александр Гейрих, Илёс Зейтуллаев ҳамда Марат Бикмаевлардан кўп нарса кутаётгани, чунки бу футболчиларда мамлакатимизнинг ёрқин юлдузлари бўлиб етишишга имконият борлиги ҳаммага маълум. Дарвоқе, ҳали Марат «Пахтакор» таркибида кўп марта майдонга тушиб улгурмаган бўлсада, унинг футболдаги ҳаракатлари германиялик мутахассислар эътиборига тушган кўринади. Чунки расмий, норасмий хабарларга қара Гейрихнинг бундеслига жамоалари раҳбариятидан Маратни ўз сафларида кўриш орузида эканликлари ҳақидаги тақлиф тушган. Марат Бикмаев эндиликда «Пахтакор» сафида ўйнайдими ёки ўз омадини Германия ашилл майдонларида синаб кўрадими? Бу номаълум. Аммо ёш футболчининг журналистлар берган интервьюсига қара, Марат аслида икки-уч йил «Пахтакор» сафида ўйнаб, миллионлаб мухлислар, мутахассислар ишончини қозонганидан сўнг хорижда ўйнаши мақсадга мувофиқ бўлишини таъкидлаган.

Мураббийлар сертификатлар топширилди

Тошкент шаҳридаги Олимпия шон-шухрати музейида германиялик иқтидорли мураббий Франс Теллер ҳамда мамлакатимиз спорти мутахассислари мутахассислари мураббийлари, журналистлар иштирокيدا тадбир уюштирилди. Сабаби, германиянинг спорт мутахассиси Теллер ўзбекистонлик мураббийларнинг малакасини оширишга хизмат қилувчи ўқув-машғулот йиғинларида қатнашиш учун Тошкентга келган ва маърузалари, амалий машғулотлари билан мураббийлар эътиборини қозонган эди. Шу боис ҳам ушбу йиғинларда қатнашиб Теллер имтиҳондан ўтган мамлакатимиз мураббийларига сертификатлар ушбу тадбирда топширилди.

Акбар Йўлдошев

Тошкент шаҳар электр тармоқлари корхонаси ОАЖ маъмурияти ва касабга уюшма кўмитаси «Ишончлилик ва хавфсизлик техникаси» хизмати бошлиги Аваз Қаҳҳоровга волидаи муҳтарамаси **Маҳфуза аянинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изхор этади.

ШАХМАТ ОЛАМИДА

Митти мўъжиза

Олти баҳорни кўрган Алка Аджат ҳали жуда ёш бўлса-да, бироқ саҳнада булбулдай сайрайди.

Жанубий Ҳиндистоннинг Керала штатида эндигина биринчи синфга қадам қўйган Алканинг репертуаридан саккиз тилдаги юзтача кўшиқ жой олган. Қизалоқ инглиз, Ҳиндий, бангол, тамил ва бошқа тилларда маҳорат билан кўшиқ қўйлайди. Шу ёшига қарамай, Алка Ҳиндистоннинг деярли барча шаҳарларидаги йирик концертларда иштирок этиб келаётди. Шахмат доналарини суриш ботида ҳам унинг маҳорати кундан-кунга ўсиб бормоқда.

— Алка икки ёшдан кўшиқ айта бошлади. Бу пайт у сўзларни бир-бирига боғлаб айтишни зўрга уддаларди, — дейди митти хонанданинг отаси мусиқачи Аджит Кумара.

Алканинг репертуаридаги кўшиқларнинг аксарияти ватанпарварлик мавзуда. Яқинда чиққан альбоми «Ҳиндистонимни севаман» деб номланган. Узининг ноёб қобилияти билан бу митти мўъжиза Ҳиндистоннинг 2003 йилги Рекордлар китобига кирди.

Ўзини ўзи мот қилганди

Инглиз муҳандиси Чарлз Годфрид Гумрел 1878 йилда «Мефисто» (Мефистофель) шахмат автоматини ясади. Унга операторлик қилган Исидор Гунсберг ўша даврда ёш уста эди. У кейинчалик кучли шахматчи бўлиб етишди.

«Мефисто» рақибларини оппа-осон енгарди, фақат аёлларга уч марта ютказиб қўйди, холос.

Орадан бир неча йил ўтгач, Гунсберг ўз хотираларида ишумомала одам бўла туриб, ожиз жинс вакилларини кўнгилсиз ҳолга солиб қўйишни эп кўрмаганлигини тан олди. У ютиш мумкин бўлган вазиятларда ҳам ўзини ўзи мот қилиш учун ўйнаган экан.

Қанчалик тез ечса

1880 йилда Хитойни зиёрат қилган немис сайёҳи К. Химли ўз кундалигига шундай деб ёзади. «Махаллий шахматчиларнинг кучи ўртача даражада бўлиши қарамай уларнинг масалаларини ечиш маҳорати тақомилга етгани ҳайрат-


ланарли. Бир сафар мен давлатманд шахарлик садақа сураётган кишига шахмат масаласини ечиб берганилиги учун мукофот ваъда қилганининг гувоҳи бўлганман. У масалани қанчалик тез ҳал этса, оладиган пули шунча юқори бўларди».

Анвар ИНОҚОВ тайёрлаган

МАҲОРАТИНГИЗНИ СИНАБ КЎРИНГ

Ўтмишда Спасский-Петросян баҳсида мана шундай қизиқарли вазият юзага келганди. Юриш Спасскийдан.

Хурматли шахмат мухлислари, сиз ўйини қандай давом эттирган бўлардингиз?



ЗАНЖИР ЭҒАСИГА ҚАЙТАРИЛДИ



Ҳалима ая қизиндагина катта қизини узапти, энди чарчокларини чикараман деганда, яна бир юмуш чиқиб қолди.

Қизи кўнғирроқ қилиб тилла занжири ушбу қолганини айтди. Ҳалима ая кенжатоғи Рухсорани жўнатишини айтиб, гўшкани қўйди. Рухсора ҳадеганда чикавермади. У опасиникига боришини эшитиб, ўзини кўзуга солиб ясаншига тушиб кетганди. Отаси туғилган куниде совга қилган тилла занжирини тақиб олди,

етмаганига опасиникини ҳам кўшиб тақди, гўё бўйинида ишончлироқ турармиши. Онасининг ҳай-ҳайлаганига қарамай Рухсора ўжарлик билан уйдан чиқди. Ёз ойи бўлгани учун кўчада ҳеч ким йўқ эди. Рухсоранинг кўнғилга неғадир ваҳима тушди ва қадамни тезлатди. Назариди ҳудди унинг орқасидан кимдир кузатаётгандек. Йўқ, Рухсорога шундай тўлмаётганди. У орқасига қараб улгурмади ҳам: «Ғинг десанг ўлдираман» деган товуш эшитилди. Рухсоранинг дами ичига тушиб кетди. Шунда но-

маълум шахс унинг бўйинидаги занжирни юлиб, қочиб қолди. Қизалоқ ўзини йўқотиб қўймади ва сумкачасидаги уяли алоқа телефонида милиция ходимларига кўнғирроқ қилди. Тезкор тергов гуруҳи зудлик билан йўлга чиқди ва жиноятчини тутишга муваффақ бўлди. Рухсорога эса занжирлари қайтарилди ва у эсон-омон опасиникига етиб борди. **Феруза УМРЗОКОВА, Тошкент шаҳар ИИББ Матбуот маркази жамоатчи муҳбири.**

Турфа олам йилда БИР БЎЛАДИГАН ОМАД

«Хар йилининг 31 декабрида дўстларимиз билан ҳаммомга борардик...» деб ҳикоя қилади Кениянинг шарқда жойлашган Гариса шаҳрининг фуқароси Абдубакир Салим.

Бу гал ҳам улар янги йилга бутунлай «янги омад» бўлиб киришга қарор қилдилар. Бунинг учун эса биринчи галда яхшилаб чўмилиш керак эди. Абдубакир кечки гира-ширада дарё ёқалаб кетаётди, бехосдан тик жарлик қирғоқдан гиж-гиж тимсоҳлар «қайнаб ётган» дарёга йиқилиб тушди. Шу заҳотиёқ о тимсоҳлар жағларини катта очтанча тайёр ўлжага қараб сузиб кела бошладилар. Қирғоқдаги дўстлари эса шўрлик Абдубакирдан умидларини узиб, уни кутқариш учун дарёга тушишга журъат қилолмадилар. Аммо «чўмилиш» тақдирга тан бермай бор кучи билан нариги қирғоққа қараб суза бошлайди. Кўп ўтмай ушбу қалтис томоннинг гувоҳлари ой нарида қарши қирғоққа мағрур қадам қўяётган Абдубакирни кўрдилар.

Айтишларича, фақатгина янги йил кечасида мана шундай омад кулиб боқиши мумкин экан. Шундан сўнг Абдубакирнинг довуғи ошиб сал кам «илоҳий одам» даражасига етди.

ЁШЛИҚДА БЕРГАН КЎНГИЛ...

Англиялик 26 ёшли Элюнд Гриффитс исмили қиз кунларнинг бириде 24 ёшли Бээил Тэйт исмили йигит билан танишиб қолди.

Улар илк учрашишдаёқ бир-бирларини қаттиқ севиб қолган, натижада иш тўйга қараб борарди... Аммо қизнинг онаси бунга қатъий қаршилик кўрсатди. Ёшлар висолга етмай ажралишга мажбур бўлдилар. Уша воқеадан сўнг орадан 60 йил ўтсада ҳамон улар бир-бирларини орзу қилиб яшадилар. Онанинг ўлимидан сўнг Элюнд кўп йиллар давомида Бээилини астойдил излади ва ниҳоят 86 ёшида уни нафақахўрлар журнали орқали топишга муваффақ бўлди. Яқинда «бахтли севишганлар» турмуш қурдилар. «Худога шукр, тўй бўлди, — деди Элюнд черковдан чиқаркан, — қарқизлигимча ўлиб кетамани, деб кўркан эдим».



— Ҳой одам, қалланг борми ўзи, нега чикинди яшиги туриб ахлатни устинга тўқасан? **Абдурашул Ҳакимов** чизган сурат.

«Тошкент оқшоми»

Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар кун соат 9.00 дан 17.30 гача қабул қилинади. **Маълумотлар учун телефон: 133-28-95. Факс: (3712) 133-29-09. Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 204-хона.**



Бош муҳаррир Акмал АҚРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:

ҳатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 133-41-39; факс: (3712) 133-21-56.

Ҳакими — 2 босма табоқ офсет усулида босилади. 3871 нусхада босилган. Қороз биринчи А-3

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади. Наир кўрсаткичи — 563

Газета Ўзбекистон Давлат матбуот кўмитасида 10-рақами билан рўйхатга олинган

Нашри етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамтига» — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишнинг мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва сақланган.

«Шарқ» нашриёт-нашриот акционерлик компанияси босмоқсиз. Корхона манзили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41-уй.